

# “МИТАН ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ 1-СОН БАЁННОМАСИ

Самарқанд вилояти, Иштихон тумани,  
Митан шаҳарчаси А.Темур кўчаси, 11-уй.

2024 йил 7 июнь

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Митан шаҳарчаси, А.Темур кўчаси, 11-уйда “Митан пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **9:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **9:50**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **10:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 315 914 та.

“Митан пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият бош директорининг 2024 йил 6 майдаги № 20 сон таклиф хати инобатга олиниб, кузатув кенгаши томонидан 2024 йил 7 майда қабул қилинган №2 сонли қарорга мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2024 йил 04 июнь.

Жамият кузатув кенгашининг аъзоси Ғ.Муродуллаев йиғилиш раёсатини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига куйидагилар сайланди:

1. Ғ.Муродуллаев - “Митан пахта тозалаш” АЖ Кузатув кенгаши аъзоси “Самарқандпахтасаноат” ХАБ тугатиш комиссия аъзоси;

2. У.Мустапов - 2024 йил 05 июндаги АҒ-2024/14-сонли ишончнома билан “Самарқандпахтасаноат” ХАБ тугатиш комиссия аъзоси;

3. Б.Абсаломов - Жамият акциядори.

Йиғилиш раёсати аъзоси Б.Абсаломов малака ва тажрибага эга бўлган “Самарқандпахтасаноат” ХАБ тугатиш комиссияси аъзоси Ғ.Муродуллаев йиғилишда раислик қилувчи этиб ва жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи Н.Файзиева йиғилиш котиби этиб сайлаш таклифини киритди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилишда раислик қилувчи этиб Ғ.Муродуллаев ва йиғилиш котиби этиб Н.Файзиева сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи Ғ.Муродуллаев очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси аъзоси Э.Бахриевга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

“Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси” томонидан 2024 йил 04 июнь ҳолатига шакллантирилган “Митан пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 477 та акциядорга тегишли 315 914 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 246 429 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 9 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 78,0 % ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

Б.Тожиев–жамият бош директори;

Х.Мавлонов–жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори ;

У.Б.Очилов - “Афрасиёб Аудит Стандарт” МЧЖ аудиторлик ташкилоти раҳбари-аудитор;

Йиғилишда раислик қилувчи Ғ.Муродуллаев йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

## КУН ТАРТИБИ:

1. Умумий йиғилиш регламенти ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2023 йил якуни ва бизнес-режаси кўрсаткичларини бажарилиши бўйича жамият ижроия органи раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
4. Жамият ташқи аудиторининг 2023 йил молия-хўжалик якуни бўйича хулосасини тасдиқлаш.
5. Жамият Кузатув кенгашининг 2023 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
6. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.
7. 2024 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
8. Жамиятнинг 2024 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
9. Жамият ижро органи ходимларининг штатлар жадвалини тасдиқлаш.
10. Қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларини ҳисобдан чиқариш ҳамда “Митан пахта тозалаш” АЖ , “Челак пахта тозалаш” АЖ ва “Самарқандпахтасаноат” ХАБ ўртасидаги қарздорликларни камайтириш мақсадида 3 (уч) томонлама шартнома тузиш масалаларини кўриб чиқиб, бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувларни киритиш.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

**Кун тартибидаги биринчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Ғ.Муродуллаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2024 йил 7 май даги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи – Н.Файзиева, иш хақи бўлими ҳисобчиси –Э.Бахриев ҳамда материаллар харажатлар бўйича ҳисобчиси – Ф.Ачилов номзодларини киритиш таклифи берилган ҳамда йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибида 10 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маърузачига - 5 (беш) дақиқадан, муҳокама учун 5 (беш) дақиқагача вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш таклифини киритди.

жамият акциядорларидан саноқ комиссияси сони, таркибини ҳамда йиғилиш регламентини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 246 429 та овоз билан 100,0 %;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда саноқ комиссияси тасдиқлансин:**

**1) Н.Файзиёва;**

**2) Э.Бахриев;**

**3) Ф.Ачилов.**

**2. Жамият акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.**

**Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича** жамият Бош директори Б.Тожиёв сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига 2023 йилдаги молиявий фаолияти якуни бўйича ҳисобот берди.

Ҳисоботда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратadbирлар, молиявий-хўжалик фаолияти ва бизнес-режа бажарилиш кўрсаткичлар ҳамда ходимларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича амалга оширилган ишлар ўз аксини топган.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан жамият бош директори Б.Тожиёвнинг 2023 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи муҳокама қилиниб, амалга оширилган ишлар бош директори Б.Тожиёвга тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилишда раислик қилувчи, Ғ.Муродуллаёв акциядорлардан бош директорнинг 2023 йилдаги фаолиятига баҳо бериш ва унинг ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 246 429 та овоз билан 100,0 %;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2023 йилдаги фаолияти қоникарли деб топилсин ва ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.**

**Кун тартибидаги учинчи масала бўйича** жамият бош ҳисобчи Х.Мавлоновга сўз берилди ва у йиғилиш иштирокчилари эътиборига жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси ҳамда молиявий натижалари билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди (*бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари илова қилинади*).

Йиғилиш раиси Ғ.Муродуллаёв акциядорлардан жамиятнинг 2023 йиллик бухгалтерия баланси ҳамда молиявий натижаларини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 246 429 та овоз билан 100,0 %;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамиятнинг 2023 йиллик бухгалтерия баланси ҳамда молиявий натижалари қоникарли деб топилсин ва ҳисоботлари маълумот учун қабул қилинсин.**

**Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Ғ.Муродуллаев “Афрасиёб Аудит Стандарт” МЧЖ ташқи аудит аудиторлик ташкилоти раҳбари-аудитори У.Б.Очиловга сўз берди.

Жамият ташқи аудит аудитори акциядорларни 2023 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича тузилган аудит ҳисоботи ва ҳулосаси бўйича таништирди.

Йиғилишда раислик қилувчи, Ғ.Муродуллаев акциядорлардан жамият ташқи аудит аудитори ҳулосасини маълумот учун қабул қилишни таклиф этди ва ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” 246 429 та овоз билан 100,0 %;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамиятнинг 2023 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тузилган ташқи аудит аудиторининг ҳулосаси маълумот учун қабул қилинсин.**

**Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Ғ.Муродуллаев жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси Б.Абсаломовга сўз берди.

Б.Абсаломов сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига кузатув кенгашининг 2023 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди (*ҳисобот илова қилинади*).

Ҳисоботда асосан кузатув кенгаши томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ўтказилган йиғилишлар ва йиғилишларда қабул қилинган қарорлар ўз аксини топган.

Йиғилишда раислик қилувчи Ғ.Муродуллаев акциядорлардан жамият кузатув кенгашининг 2023 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 246 429 та овоз билан 100,0 %;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамият кузатув кенгашининг 2023 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.**

**Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича** йиғилиш раислик қилувчи Ғ.Муродуллаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 79-моддасига асосан жамият директорининг, жамият бошқаруви аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига асосан ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида, жамият уставида ҳамда уларнинг ҳар бири жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилиниши тўғрисида маълумот берди ҳамда жамият бош директори Б.Тожиев ваколати тугаганлиги, аммо жамият бош директори лавозимига номзодларни кўриб чиқиш ишлари якунига етмаганлиги сабабли жамият бош директори лавозимига номзод тайинлаш масаласини жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишига қолдириш, жамият бош директори вазифасини вақтинча бажарувчи тайинлаш масаласини жамиятнинг Кузатув кенгашига юклаш таклифини киритди.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Ғ. Муродуллаев акциядорлардан кун тартибидаги масала бўйича берилган таклифга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 246 429 та овоз билан 100.0;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. “Митан пахта тозалаш” АЖ Бош директори Тожиев Бегали билан тузилган меҳнат шартномасининг муддати жамият акциядорларининг 2024 йил якуни бўйича ўтказиладиган навбатдаги умумий йиғилишигача бўлган муддатга қайта тузилсин.

2. Жамият номидан Бош директор Тожиев Бегали билан меҳнат шартномасини (шартномани амал қилиш муддати – 2024 йил якуни бўйича ўтказиладиган жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишигача) имзолаш ваколати Кузатов кенгаши раисига берилсин.

3. Жамият Бош директори Б.Тожиевга:

- ўз вазифаларини бажариш даврида барча бирламчи ва банк ҳужжатларига биринчи имзо қўйиш ҳамда жамият Уставида белгиланган ваколат ва мажбуриятлардан қонун доирасида фойдаланиш ҳуқуқи берилсин;

- “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш Лойиха офиси томонидан бажарилиши белгиланган буйруқ ва топшириқларни ўз вақтида амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори Х.Мавлонов сўзга чиқиб, жамиятда 2024 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларидан жамиятга келиб тушган қуйидаги тижорат таклифлари билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди.

Жамиятга қуйидаги аудиторлик ташкилотларидан таклифлар келиб тушган.

Т/р	Аудиторлик ташкилотининг номи	Мурожаат санаси	Миллий стандартлар бўйича аудиторлик текшируви учун (минг сўм)	Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари бўйича аудиторлик текшируви учун (минг сўм)
1	МЧЖ “Жавлон Аудит Сервис”	3.05.2024й №17-сон	10 000,0	10 000,0
2	МЧЖ “Афрасиёб Аудит Стандарт”	2.05.2024й №8-сон	10 000,0	10 000,0

Муҳокама давомида жамият акциядори Б.Абсаломов жамиятга келиб тушган тижорат таклифларни инобатга олган ҳолда, ташқи аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотлари орасидан малакали мутахассисларга ҳамда энг қулай нархларга эга бўлган аудиторлик ташкилотини танлаш зарурлигини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 16-моддасига асосан аудиторлик ташкилоти айнан бир хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини кетма-кет уч йилдан ортиқ аудиторлик текширувидан ўтказишга ҳақли эмас.

Юқорида кўрсатилган 2 та аудиторлик ташкилотлари кетма-кет уч йилдан ортиқ жамиятни аудиторлик текширувидан ўтказмаган.

Бундан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Ғ.Муродуллаев акциядорлардан 2024 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувидан ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

<i>№</i>	<i>Аудиторлик ташкилоти номи</i>	<i>ёқлаб</i>	<i>қарш и</i>	<i>бетараф</i>
1	МЧЖ “Жавлон Аудит Сервис”	7815та( 4.0%)	0	0
2	МЧЖ “Афрасиёб Аудит Стандарт”	239713та (96,0%)	0	0

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. 2024 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини:**

- Миллий аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун Афрасиёб аудит стандарт” МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори – 10 000,0 минг сўм белгилансин;

- Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш МЧЖ “Афрасиёб аудит стандарт” МЧЖ учун аудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори – 10 000,0 минг сўм белгилансин.

**2. Жамият ижроия органи раҳбарига:**

- юқорида кўрсатилган аудиторлик ташкилотлари билан белгиланган тартибда шартномаларни тузсин;

- қонунчиликда белгиланган муддатларда жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашига аудиторлик текшируви натижалари бўйича ҳисобот ҳамда ҳулосаларни киритсин.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича жамиятнинг бош директори Б.Тожиев сўз берилди ва у йиғилиш жамиятнинг 2024 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди (*бизнес-режа илова қилинади*).

Йиғилиш раиси Ғ.Муродуллаев акциядорлардан жамиятнинг 2023 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 246 429 та овоз билан 100.0 %;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамиятнинг 2024 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлансин.**

**Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича** Жамият Бош директори Б.Тожиев сўз олди ва йиғилиш қатнашчиларини “Ўзпахтасаноат” АЖ ни тугатиш лойиха офисининг 2022 йил 14 июндаги ШМ-12/640-сонли мурожаати билан таништирди.

Мурожаатда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 06 мартдаги “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4633-сон қарорига ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2020 йил 14 майда тасдиқланган “Ўзпахтасаноат” АЖ ни тугатиш бўйича “Йўл харитаси”га асосан “Ўзпахтасаноат” АЖ ва унинг тизимидаги корхоналарнинг кўчмас мулк, акция пакетлари, улушларини белгиланган тартибда оммавий савдоларда сотиш ва жамиятни тугатиш ишлари амалга оширилаётганлигини инобатга олиб, жамият ташкилий тузилмаси ва штат жадвали лойиҳалари тавсия сифатида юборилаётганлиги айtilган.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси Ғ.Муродуллаев акциядорлардан жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 246 429 та овоз билан 100.0 %;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

**Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:**

**1).Жамият ижро органи ходимларининг штатлар жадвали “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш Лойиха офиси билан келишилган ҳолда тасдиқлансин.**

**Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича йиғилиш раиси Ғ.Муродуллаев сўзни жамият бош директори Б.Тожиевга берди.**

Б.Тожиев сўзга чиқиб, жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари таҳлилини ўтказиш мақсадида Бош директор бошчилигида ишчи-гуруҳи тузилган ва мазкур ишчи-гуруҳининг ҳулосасига асосан Қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларини ҳисобдан чикариш ҳамда “Митан пахта тозалаш” АЖ, “Челак пахта тозалаш” АЖ ва “Самарқандпахтасаноат” ХАБ ўртасидаги қарздорликларни камайтириш мақсадида 3 (уч) томонлама шартнома тузишга рухсат беришни сўради.

Кун тартибидаги ўнинчи масала юзасидан йиғилишда раислик қилувчи Ғ.Муродуллаев акциядорларга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 246 429 та овоз билан 100 %;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

**“Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

**Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:**

**1. “Митан пахта тозалаш” АЖ, “Челак пахта тозалаш” АЖ ва “Самарқандпахтасаноат” ХАБ ўртасидаги қарздорликларни камайтириш мақсадида 3 (уч) томонлама шартнома тузишга рухсат берилсин.**

**2.“Митан пахта тозалаш” АЖ бош директори Б.Тожиевга:**

**-Йиғилиш кун тартибидаги масалалар юзасидан қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш:**

**-Жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларини камайтириш мақсадида ишларни олиб бориш:**

**-Бажарилган ишлар юзасидан жамият кузатув кенгаши, “Самарқандпахтасаноат” ХАБ ва “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш бўйича Лойиха офисига ёзма равишда ҳисобот бериб бориш юклатилсин.**

**Йиғилишда раислик қилувчи: \_\_\_\_\_Ғ.Муродуллаев**

**Йиғилиш котиби: \_\_\_\_\_Н.Файзиева**

Йиғилиш баённомаси 2024 йил “ “ “ “ кун икки нусхада тузилди.